

“НАВОДИР-УЛ-ВАҚОЕЪ” ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

ХАТ ҒАЛАТ, МАЪНО ҒАЛАТ...

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Кейинги йилларда республикаимиз нашриётлари форс-тожик адабиёти классикларининг асарларини нашр этиш, кенг китобхонлар оммасини уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш соҳасида ибратли иш қилмоқда. Устоз Рудакий, Умар Хайём, Ҳофиз, Камол Хужандийларнинг шеърий тўпламлари; Абулқосим Фирдавсий, Саъдий, Абу Али ибн Сино, Абдулқодир Бедил, Шавкати Бухорий, Ҳофиз Таниш ва бошқалар ҳақидаги рисолалар илм ва китоб мухлисларини мамнун этди.

Тарихда шундай шахслар ҳам борки, улар ўзларининг кўпқиррали ижоди, инсонпарварлик, маърифатпарварлик қарашлари билан бир халқ доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этадилар.

Тожик халқининг маърифатпарвар адиби, астроном, географ, тарихчи, рассом ва хаттот Аҳмад Дониш ҳам ана шундай сиймолардандир. Чунки, Аҳмад Дониш даҳшатли зулм, халқни талаш ва хонавайрон қилиш асосига қурилган Бухоро амирлиги даврида (XIX асрда) яшаб, халқнинг оғир аҳволига ачинди, сувсизликдан оч-яланғоч қолаётган қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш кераклиги ҳақида ўйлади. Шунинг учун ҳам амир зулмидан қон қақшаган тожиклар ҳам, ўзбеклар ҳам Аҳмад Донишдек маърифатпарвар билан фахрланадилар.

Аҳмад Дониш ижодининг узбек мактаблари дарсликларидан, олий ўқув юртлари учун тузилган қўлланмалардан муносиб ўрин

олишининг боиси ҳам шунда. Бугина эмас, Донишнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тадқиқ этишда, тожик олимлари билан бир қаторда, узбек олимлари ҳам илмий текшириш ишлари олиб бораётирлар. Академик И. Мўминовнинг илмий ишлари, доцент Ҳ. Ҳомидийнинг мақолалари шулар жумласидандир.

Лекин, шуларга қарамай, Аҳмад Донишнинг кўпқиррали ижоди, айниқса, унинг бадиий асарлари билан узбек китобхонлари ҳамон кенг таниш эмас. «Фан» нашриёти Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул-вақоеъ»¹ асарини босиб чиқариб, ана шу ишга қисман ҳисса қўшди. Асарни А. Ҳамроев ва А. Шокиров ўртоқлар тожик тилидан таржима қилганлар.

Китоб Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг сермахсул тадқиқотчиси, академик Иброҳим Мўминовнинг «Аҳмад Дониш ва унинг «Наводир-ул-вақоеъ» асари ҳақида мақоласи билан бошланади. Мақола автори Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини қисқа баён этиб, китобхонни “Наводир-ул-вақоеъ»-нинг мундарижаси ва ғоявий йўналиши билан таништиради, адибнинг фалсафий, ижтимоий фикрларини илмий таҳлил этади.

Маълумки, «Наводир-ул-вақоеъ»-да Аҳмад Донишнинг ҳаётнинг турли томонларига: шоҳни адолатга даъват этиш, эл-юртнинг аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб туриш, давлатни бошқариш, инсоннинг-инсонга муносабати, оила, муҳаббат ва бошқаларга оид ахлоқий, эстетик, маърифатпарварлик фикрлари ифодаланган. Асар ҳажман катта ва уни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш жиддий илмий-тадқиқот, текстологик ишни талаб этади. Таржимонлар ҳам мана шу масъулиятни маълум даражада ҳис этган ҳолда, асарни қисқартириб таржима қилганлар, адиб фикрини мумкин қадар оммабоп қилиб баён этишга ҳаракат этганлар. (Шеърӣ парчалар бундан мустасно). Биз

¹ Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вақоеъ. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964.

«Наводир-ул-вақоеъ»-нинг биринчи марта ўзбек китобхонларига тақдим этилишнинг ўзи адабий-илмий ҳаётимизда эътиборли иш эканлигини қайд қилган ҳолда, таржима ҳақида туғилган айрим фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Аҳмад Дониш прозасининг таржимаси ҳақида гап борганда, шуни таъкидлаш керакки, таржимонлар қисқартириб таржима қилишда айрим ҳолларда текстга эҳтиётсизлик билан ёндошганлар. Натижада зарур фикрлар тушиб қолган ёки нотўғри ўқилиб, мазмунга путур етказилган. Масалан, китобнинг 43-бетида “Еттинчи шарт...!” баёнида қуйидаги жумла ўринсиз ташлаб кетилган: “Шарти ҳафтум он ки, аз хатари ҳукумат ва вилоят ғофил набошад..” (Бируний номли шарқшунослик институти, 4266-қўлёзма, 30-бет. Шу қўлёзмадан таржима қилинганлиги учун биз ҳам шу нусхага мурожаат этдик). Ваҳолонки, адиб ана шу жумла орқали ҳокимнинг мамлакат учун юз берадиган хавф-хатардан ҳамиша огоҳ бўлишини таъкидлайди. Айрим фикрлар, таржимонларнинг эътиборсизлиги натижасида, “янги маъно” касб этган. Чунончи, «Шарти сейўм - дар хўрдан ва пўшидан иқтидо ба сирати хулофои рошидин кунад (Қўлёзма, 25-бет) жумласи «Подшоҳ емоқ ва ичмоқда, кийим кийишда халифалар йулидан бормасин» (?) (Китоб, 42-бет), ёки “Бидон, ки вилоят доштан кори бузург аст» (Қўлёзма, 20-бет), гапи таржимада тамоман бузиб берилган: “Маълумки (?), подшоҳ бўлиш (?), халқ устидан ҳукмронлик қилиш ҳаёт оламида (?) энг улугъ (!) ишлардандир». (Китоб, 40-бет). Аҳмад Дониш эса «Подшоҳлик қилмоқ-улуғ иш, яъне, оғир ва мураккаб иш» демоқчи.

Китобда шеърий парчаларнинг асли ҳам берилиб яхши иш қилинган. Бу ўқувчи учун ҳам, илмий ходимлар учун ҳам фойдалидир. Афсуски, бирон-бир шеърий парча тўғри кўчирилмаган, ёки ноширлар томонидан хато босилган.

Бизнинг фикримизча, китобдаги шеърларни таржима қилишга бирон шоир ёки шеърий таржимада салоҳиятли кишини жалб этиш

керак эди. Модомики, шеърлар муваффақиятли таржима қилинмаган экан, яхшиси, мазмунини келтириб кўя қолиш керак. “Наводир-ул-вақоеъ” таржимонлари мана шу принципга риоя қилмай, ўқувчиларни ранжитганлар. Чунки шеърий парчаларнинг таржимасида кўпинча шакл, мазмун, ғоя бузилган; латиф мисралар жарангсиз, теран фикрлар хиралашиб қолган. Айрим ибора, байт, мисралар ташлаб кетилган; нотўғри қўшимча ва иловалар қилинган.

Масалан, куйидаги байтларнинг кўчирилишига диққат қилинг:
Асли:

*Кишвареро, ки шуд сипаҳ аз кор,
Надиҳад назм ною кўс дигар.
(Кўлёзма, 69-бет).*

Китобда:

*Кишвари роки ў шуд ситаҳ аз кор,
Надиҳади назм ною кўс дигар.
(54-бет).*

Асли:

*Оташери, ки халк сўзад аз он,
Ўз ба куштан илоҷ напазирад.
(62 бет).*

Китобда:

*Оташи ро ки халқ сўзат аз онг,
Ўз бакушдан илож напазирад.
(68-бет).*

Асли:

Нек ар кунӣ ба ҷое ту, кунанд боз,
В-ар бад кунӣ ба ҷое ту, аз бад батар кунанд.
Имруз ҷастӣ аз баду нек беҳабар,
Рӯзе бувад, ки аз баду нек хабар кунанд. (125-бет).

Китобда:

Ник ар куни бажойи ту ники кунанд боз,
Вар бат куни бажойи ту азбад батар кунанд.
Им рус ҷасти азбаду азник биҳабар,
Рузи бувад ки азбаду никат хабар кунанд. (70-бет).

Мана бу шеърӣ парчанинг таржимасида Аҳмад Дониш айтмоқчи бўлган фикрнинг акси келиб чиққан:

Ҳар ки бинӣ муроду роҳати ҳеш,
Аз ҳама халқ бештар хоҳад.
В-он муяссар шавад ба кӯшишу ранҷ.
Гар қазо бахшаду қадар хоҳад.
(Қўлёзма, 126-бет).

Таржимаси:

Кимни кӯрсанг жаҳонда тинмайди,
Ҳар ким ўз роҳатини истайди,
Тангри агар у ишнӣ хоҳламаса,
Кӯн югурган билан етолмайди.

Аслида эса шоир: “Гарчи кишининг муроду роҳатини худо берса ҳам, лекин у фақат ҳаракат ва меҳнат билангина қўлга киритилади» демончи. Наҳотки, таржимонлар шунга тушуниб етмаган бўлсалар?!

Аҳмад Дониш амир ва унинг амалдорларини адолатга чақириб қолмай, балки жабр-жафо, зулм-зўрликдан шикоят қилади, нодонларга иззат, доноларга кулфат келтирган замонни қоралайди. Дониш китобидаги мана бу байтда ана шу фикр ўз ифодасини топган:

*Фалак ба мардуми нодон диҳад зимоми мурод,
Ту аҳли фазлию дониш, ҳамин гуноҳат бас!
(Қўлёзма, 133-бет).*

Эътиборсизлик натижасида ана шу теран мазмунли байт ўз қимматини тамоман юқотган:

*Аҳмоқ одам қадрини кўкка кўтаргай бу фалак
Илму ақлинг бор эса, сенга етарли шу булоқ. (?!)
(Китоб, 133-бет).*

Ёки

*Сифларо гар ҳазор ганҷ диҳӣ,
Нашавад ром ҷуз ки бо лӯтӣ.
(Кулёзма, 226-бет).*

Бу байт китобда нотўғри берилган, таржимаси ҳам шоирнинг фикрига қарама-қарши бўлиб чиққан. Шоир «Агар нокасга минг ганж бериб, яхшилик қилсанг ҳам, бари бир у яна ўша ўғри - нокас

билан уринади» демоқчи. Таржимонларда бу фикр мана бундай чиққан:

Сифларга юз хазина бергандин (?)
Яхшидир бўлса лутига улфат. (!)
(Китоб, 227-бет).

Бу ва бошқа «таржималар» туфайли китобхон Аҳмад Донишнинг ахлоқий-дидактик, ижтимоий-фалсафий қарашлари ифодаланган шеърларнинг нафосатидан маҳрум бўлиб қолган, кўпчилик байтларнинг эстетик қиммати йўқолган.

Биз таржимада, хусусан, шеърини парчалар таржимасида, йўл қўйилган нуқсонларнинг бир қисминигина қайд этдик, холос. Уйлаймизки, таржимон ва ноширлар бу ва бошқа хатоларни текшириб, асл нусхага яна солиштирган ҳолда тузатиб, китобни қайта нашр этишга эришадилар. Акс ҳолда, “Наводир-ул-вақоеъ»-нинг таржимаси мавлоно Жомий айтгандек:

Нусхаи ошуфтаи девони умри мо мапурс! -

Хат - ғалат, маъно - ғалат, имло - ғалат, иншо - ғалатлигича қолиб кетади.

Ёқубжон ИСАҚОВ, филология фанлари кандидати.
Раҳим МУСУЛМОНҚУЛОВ, ҲАМИД ҲОМИДОВ, аспирантлар.